2011 ЙИЛ 26 АВГУСТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 170 — 171 (11.981 — 11.982)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни Оқсаройда АҚШ Сенатининг қатор нуфузли қўмиталари аъзоси, Жанубий Каролина штатидан сайланган республикачи-сенатор Линдсей Грэхемни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон АҚШ билан қарор топган муносабатларни юксак қадрлаши ва алоқалар истиқболига катта ишонч билан қарашини таъкидлади.

Ўзаро ҳамкорликда савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий алоқалар муҳим ўрин тутади. Жорий йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошиши кутилмоқда.

Мулоқот чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг кўламли масалалар юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш муаммоси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Афғонистонда тинч ҳаётни тиклаш ишларида фаол иштирок этмоқда. Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши мамлакатда сиёсий барқарорлик ўрнатилиши ва аҳолининг бунёдкорлик фаолиятига жалб қилинишининг муҳим шарти эканлиги таъкидланди.

Л.Грэхем самимий қабул учун, икки томонлама муносабатлар ва томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Сенатор Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий тиклаш ва мавжуд долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масалалари борасида мамлакатларимизнинг халқаро майдонда ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга, деган фикрни қўллаб-қувватлади.

**(ЎзА)**

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ҚУЙИДАГИЛАР ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА МУШАРРАФ БЎЛДИЛАР.**

*Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Касимов Джуравой Юлдашевич** — «12-трест» акциядорлик жамиятининг 52-қурилиш бошқармаси монтажчилар бригадаси бошлиғи.

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

**Абдумўминов Абдурашид Абдуахадович** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директори

**Джураев Иброхим Джураевич** — «Uzinfocom» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази директорининг биринчи ўринбосари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Каратаев Бахтияр Рахимович** — Ҳамза туманидаги «2-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2011 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 31 августга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2011 йил 31 август дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 25 август*

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!




## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА





**Мустақиллигимизнинг 20 йиллик қутлуғ санаси арафасида пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида улуғ, бетакрор ишларни кўриб, ҳайрат ва ҳавасимиз ошяпти. Чилонзор туманида ҳам аҳолининг феълатворига яратувчанлик кайфияти, бунёдкорлик фалсафаси сингиб кетганига гувоҳ бўлдик. Файзу баракали гўшада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан кўнглимиз тўлди.**

Меҳмондўст, дилкаш инсонлар билан учрашиб мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни кўриб, туман аҳлига меҳримиз ортди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси билан давлатимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида, айтиш керакки, ушбу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаслигимиз сир эмас.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ишларда, хусусан, Чилонзор туманининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Юртбошимиз илгари сурган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, туманда амалга оширилаётган барча йўналишлардаги ишларда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш ҳамда етакчи тармоқларни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор берилди.

Қайд қилинган вақтда саноатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 113,8 фоиз (587,1 миллиард сўм), халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 116,4 фоиз (613,4 миллиард сўм)га ошди, давлат бюджетига 147,5 миллиард сўм маблағ тушириллди, шундан туман маҳаллий бюджети 31,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Ҳудудий инвестиция дастури бўйича 19,8 миллиард сўм инвестициялар киритилди.

*(Давоми 3-бетда)*

**(Чилонзор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)**

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Бугун — Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тўйи арафасида Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали очилди. ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари дастурига киритилган ушбу нуфузли анжуманда сайёрамизнинг 50 дан зиёд мамлакатидан 300 нафарга яқин санъаткорлар қатнашмоқда.**
- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2011 йилга эълон қилинган грантлар бўйича икки танлов ғолибларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди. Умумий миқдори 371,2 миллион сўмлик грант сертификатларига Тошкентдан ва пойтахт вилоятидан 26 нафар вакил сазовор бўлди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами арафасида Гулистон шаҳрида Бизнесга кўмаклашиш марказининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Иштирокчилар тадбиркорлар учун бизнесни юритишнинг муҳим жиҳатларига таaллуқли тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган ахборот киоски иши билан танишдилар. Тадбир қатнашчилари инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари, ускуна ва технологияларни харид қилиш бўйича зарур ахборотга ҳам эга бўлдилар.**
- **Фарғонада ҳарбий хизматчилар учун бунёд этилган иккита кўп қаватли уй-жой калитлари ўз эгаларига топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ҳарбийлар ва уларнинг оилалари, тегишли идора, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

- **Япония ҳукумати жорий йилнинг 11 мартида юз берган фалокатли зилзила ва цунами оқибатида етган зарарни қоплаш мақсадида 2012 йилда кейинги беш йил давомида олинадиган янги турдаги солиқни жорий этиб, 128 миллиард долларга яқин маблағ йиғишини маълум қилди.**
- **Абхазияда муддатидан олдин президент сайловлари бўлиб ўтади. Сайловларда учта номзод давлат раҳбарлиги лавозимига даъвогарлик қилади.**
- **БМТ Триполидан хорижлик фуқароларни эвакуация қилишни бошлади.**
- **«Прогресс» космик кемасининг ҳалокатга учраши ва бошқа коинот аппаратининг Орбитага чиқарилмаганлиги муносабати билан Россия Федерацияси бош прокуратураси текшириш ишларини бошлади.**
- **«Айрин» бўрони хуружи муносабати билан Нью-Йорк атрофидаги аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ишлари бошланди.**
- **Кеча Покистонда амалга оширилган террорчилик ҳаракати туфайли камида ўн киши ҳаётдан кўз юмди.**
- **Эртага Жанубий Кореянинг Тэгу шаҳрида енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бошланади.**
- **Ингушетияда терроризмга қарши кураш доирасида амалга оширилган махсус операция чоғида умумий кучи 25 килограмм тротилдан ортиқ бўлган портловчи қурилма зарарсизлантирилди, бешта жангари қўлга олинди.**
- **Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида умумий иш ташлаш жараёни оммавий тартибсизликларга айланиб, натижада 42 киши ҳибсга олинди.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»

**Аргов Владислав Маркович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «А-320» учувчилар отряди командири

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Имамджанов Ибрагим Ахмеджанович** — Тошкент шаҳридаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**Раматов Ачилбай Жуманиязович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси раиси

**Усманов Мираброр Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Икрамов Адхам Ильхамович** — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири

**Мадрахимов Тухтапулат** — Бектемир туманидаги «Нерудник» акциядорлик жамияти бульдозер машинисти

## «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Абдуллаев Мурадулло** — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Алимов Бобир Шухратович** — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори

**Алиханов Борий Батирович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари — Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси

**Ахметов Малик Рашитович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «А-310» ҳаво кемаси командири

**Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

**Розукулов Улуғбек Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Рузиев Зафар Шаропович** — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**Рустамов Олимхон Бакиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг масъул ходими

**Турсунбаев Юлчибой Эргашович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Хазраткулов Маматкул** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг бош директори

**Ходиев Баходир Юнусович** — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири

## «Дўстлик» ордени билан

**Арипов Рихсивой Каримович** — Шайхонтоҳур туманидаги «Янгишаҳар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Ахмедов Анвар Акмалович** — «Маҳалла» хайрия жамғармасининг республика бошқаруви раиси

**Биков Сергей Викторович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Воскобойников Александр Анатольевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Ми-8» вертолёти учувчиси

**Гафуров Элдор Шукурович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Джурабаев Абдурашид Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

**Жабборов Собир Вахабович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

**Задорожная Раиса Андреевна** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги соғлиқни муҳофаза қилиш ва таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Ибрагимов Бахтиёр** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Камилов Абдулазиз Хафизович** — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

**Реймов Полат Расбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

**Ризаев Фаррух Масидарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Сафоев Содиқ Солиҳович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

**Хаджаев Алишер Джуракулович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси

**Хамраев Шавкат Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари

**Хасанов Мадаминжон Хасанович** — «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаоли

## «Шухрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

**Мирзаева Саври** — Чилонзор тумани

## «Жасорат» медали билан

**Хакимов Бехзод Хикматиллаевич** — Чилонзор туманидаги «Байнал-Минал» ногирон-ампутантлар футбол клубининг ўйинчиси

## «Шухрат» медали билан

**Абайдуллаева Гульчехра Мариповна** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Камронбек коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Абдукадиров Шухрат Абидджанович** — Ҳамза тумани ҳокими

**Абдуллаев Кабил Аббасович** — «Тошмахсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Мирobod-Махсустранс» автокорхонаси ҳайдовчиси

**Абдулхаев Абдусаттар Абдухамитович** — Тошкент шаҳридаги «Оникс» очиқ акциядорлик жамиятининг асбоб-ускуна цехи токари

**Адиев Баходир** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «14-рельс пайвандлаш поезди» унитар корхонаси пайвандловчиси

**Анарбоев Илхомжон Каршибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қимматли қоғозлар департаменти директори

**Ахмаджанова Машкура** — Сергели туманидаги «Қўшқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Бабаев Анвар Машрабович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Багаутдинова Ольга Сергеевна** — Ҳамза туманидаги «Шодлик хизмати» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Бачурова Людмила Александровна** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Гаипов Аманлила Махмудович** — Юнусобод тумани ободонлаштириш бошқармасининг йўл таъмирлаш бўлими ишчиси

**Закиров Мансур Мавзирович** — Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси «Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти» давлат корхонасининг лаборатория мудири

**Иноғомов Рашодхон Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Каримов Бахадир Рахимович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг чилангари

**Ким Сергей Сергеевич** — Миробод туманидаги «Бити продакшн» Ўзбекистон-Канада қўшма корхонаси директори

**Малкова Лариса Владимировна** — «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг иқтисодиёт ва таҳлил бўлими бошлиғи

**Мирзалиева Зулфия Захитдиновна** — «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятининг меъморчилик-қурилиш бўлими лойиҳалар бош архитектори

**Мирзамуҳамедов Улуғбек Ўткурович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Мукумов Қувондиқ Хамдамович** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг бўлим мудири

**Муртазокулов Юлдош Неъматович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «Кўприк қурилиш» тресті 67-кўприк қурилиш бўлими прораби

**Назаров Акбар Джалилович** — Юнусобод туманидаги «Илғор» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

**Одилов Алишер Равшанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «Ҳайратон-Мозори Шариф» темир йўлини лойиҳалаш ва қуриш бошқармаси бошлиғи

**Раббимов Қахрамон Сайфиевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «Гранит» акциядорлик жамияти тоғ устаси

**Рахимова Мамура Сидиковна** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Рустамбеков Нозимбек Мансурбекович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Рўзикулов Номоз Арзикулович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Содиқов Пўлат Йўлдошевич** — Бектемир туманидаги «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасининг электр чилангари

**Солиев Фахриддин Баҳромович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

**Срабов Саиджахпар Ахмадалиевич** — «Ўзэлектроаппарат-Электрошит» акциядорлик жамиятининг металлга қайта ишлов бериш участкаси бошлиғи

**Тешаев Шавкат Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

**Туктаров Ренат Мансурович** — «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш тресті» акциядорлик жамиятининг марказий автотранспорт хўжалиги машинисти

**Турсунов Собир Турдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

**Урманова Райхона Артикбаевна** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Учтепа тумани Кенгаши раиси

**Хаитов Урал** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Хатамов Уктам** — Яккасарой туманидаги «Тошкент шаҳар иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамиятининг қозон турбина цехи машинисти

**Юлдашев Рустам Тиллаевич** — «Ўзкабель» акциядорлик жамиятининг прессловчиси

# ЖАМОАТЧИЛИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

**Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон фуқароларининг ўтган давр давомида мамлакат ҳаётининг муҳим соҳаларида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришларга муносабатини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказмоқда. Навбатдаги ижтимоий тадқиқот аҳолининг суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотлардан хабардорлик даражаси ва Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида бу борада белгиланган янги вазифалар тўғрисидаги фикрларини аниқлашга бағишланди.**

Сўров мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараларига юқори баҳо бераётганини кўрсатди. Сўралганларнинг фикрича, бу борадаги ютуқлар қонунчиликнинг такомиллашгани, қонун устуворлиги тамойилига қатъий амал қилинаётгани, фуқаролар мурожаати соҳасида, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг ошиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ишлашда ошкораликнинг таъминланишида ўз ифодасини топмоқда.

Тадқиқот аҳоли ўртасида ҳуқуқий демократик жамиятда яшайдиган инсон ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билимлар мажмуига эга бўлиши, танқидий фикрлай олиши ва воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила билиши, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва диний бағрикенглик сингари қадриятларнинг аҳамиятини тушуниши, фуқаролик тафаккури, фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши керак, деган тушунчанинг тобора кучайиб бораётганини кўрсатди. Сўров натижаларидан кўриниб турибдики, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш катта аҳамият касб этмоқда.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонлик даражасининг барқарор ўсиши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим ютуғидир. Илгари шу мавзуда ўтказилган сўровлар натижаларини қиёслаш ўз ҳуқуқларини яхши биладиган ва бу соҳани мустақил ўрганишга интилаётган фуқаролар сони тобора ошиб браётганини кўрсатмоқда. Сўров иштирокчиларининг фикрича, мамлакатимизда ҳуқуқий саводхонлик умумий маданиятнинг бир қисми бўлибгина қолмай, ҳаётий, ишбилармонлик ва ишлаб чиқаришга оид масалаларни муваффақиятли ҳал қилишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўров қатнашчиларининг аксарияти (86 фоизи) нуқтаи назарига кўра, фуқароларнинг қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишга ва унга амал қилишга интилишининг барқарор ўсиб бораётгани суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг муҳим самараларидандир. Бу кўпчилик юртдошларимизнинг ҳуқуқий давлатни хавфсиз, сифатли ва фаровон ҳаёт гарови, деб билишидан далолат беради.

Ижтимоий тадқиқотлар маълумотларига кўра, ўзини ҳуқуқий ҳимояланган деб биладиган фуқаролар сони йил сайин кўпаймоқда. Мазкур сўров давомида қарийб 90 фоиз иштирокчилар айнан шундай жавоб берди. Аҳолининг фикрича, мамлакатимизда фуқароларнинг таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш, ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқлари таъминланмоқда, одамларнинг мулк, меҳнат қилиш, қадр-қимматини ҳурмат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқларига қатъий риоя қилинмоқда.

Фуқароларни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш, бунга демократик ҳуқуқий давлатнинг олий қадрияти сифатида муносабатда бўлишни шакллантириш Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидандир.

Масалан, аксарият аҳолининг (сўров қатнашчиларининг 89,4 фоизи) фуқароларимизда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш туйғуси кучайиб бораётганига ишончи комил. Бу уларнинг ҳуқуқий онги ошиб бораётганидан далолатдир.

Фуқаролар мамлакатимиз суд тизимида мунтазам равишда инсонпарварлик ва эркинлаштиришга интилиш кучайиб бораётганини алоҳида таъкидламоқда. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан ўлим жазосининг бекор қилиниши – давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган энг инсонпарвар ҳаракат бўлиб, бунинг ёрқин мисолидир. Аҳолининг аксарият қисми (93,6 фоизи) Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августда бу борада қабул қилинган фармонини тўла қўллаб- қувватлайди. Шунингдек, 85,4 фоиз сўров қатнашчилари қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди.

Умуман, жамоатчилик фикри бўйича ўтказилган сўров Ўзбекистон фуқароларининг Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларни тўлиқ маъқуллашини, ушбу ислоҳотлар натижаларини юқори баҳолашини ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан ушбу ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича ишлаб чиқилган стратегияни тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор намойиш этди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Анна ИВАНОВА тайёрлади**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш цехларини модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Э.Қудратов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ғаллачилик соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани, дон ҳосилдорлигини ошириш борасидаги кенг кўламли тадбирлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Компания корхоналари юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 14 мартда қабул қилинган «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони дастуруламал бўлмоқда.

Аҳолини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 1991-2010 йиллар мобайнида 22 тегирмон модернизация қилиниб, техник қайта жиҳозланди, 21 янги тегирмон фойдаланишга топширилди. Янги жиҳозлар электр энергияси сарфини 15 фоизга, ёқилғи-мойлаш материаллари сарфини эса 10-12 фоизга камайтириш имконини бермоқда.

Дон ва дон маҳсулотлари сифатини ўз вақтида баҳолаш учун барча дон тайёрлаш корхоналарининг лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Маҳсулотлар рақобатбардошлиги ҳамда дондан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ғаллани тайёрлашнинг янги услубларини жорий этиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу буғдойдан янада кўпроқ, юқори навли, сифатли ун олиш имконини бераётир.

Тизим корхоналарида унни фортификация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир 42 корхонада биринчи навли унни витамин ва минерални қўшимчалар билан бойитиш ишлари амалга оширилмоқда.

Анжуманда компаниянинг омухта-ем саноати, дон маҳсулотлари сифатини аниқлаш лабораторияларини жиҳозлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири**

# ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ ТРАНСПОРТ ТУРИ

**«Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси истиқлолимизнинг 20 йиллик байрамига тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.**

Бугун Тошкент метрополитени энг қулай, тез ва хавфсиз транспорт тури ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, кўп сонли йўловчиларнинг узоғини яқин қилаётган метронинг аҳолига манзур бўлаётганига сабаб унинг энг янги автоматика тизимлари билан жиҳозлангани, поездларнинг ишончли ва аниқ ҳаракат қилиши, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилигидир.

– Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент метрополитенида хавфсизликни таъминлаш ва пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда, – дейди «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси бошлиғи Бахтиёр Содиқов. – Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент метрополитени узунлиги, техник жиҳозланиши ва хизмат кўрсатиш салоҳияти бўйича Марказий Осиёда ягона бўлиб, МДҲ мамлакатларида тўртинчи ўринда туради. Айни пайтда қарийб 3,5 минг нафар ходим меҳнат қилаётган саккизта хизмат метронинг узлуксиз ишлашини таъминламоқда. Ҳар куни ўртача 180 минг киши ўз манзилига етказилмоқда.

Шу кунларда ички кузатув камералари ва мониторларни ўрнатиш ишлари тўлиқ якунланди. Энди станциялар ичи, платформалар ва вестибюллар метрополитен ходимларининг доимий назоратида бўлади. Бундан ташқари, метрога киришда ва ҳар бир станция ичкарисида металл қидириш мосламалари билан таъминланган милиция патрули ва метрополитен хавфсизлик бўлими вакиллари навбатчилик қилмоқда.

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2000 йилдан буён ҳаракатдаги таркибни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган депо фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ҳар йили 48 вагон таъмирланмоқда. Уларнинг 12 таси капитал, 36 таси эса жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Бу эса ўз навбатида, фавқулодда, авария ёки кутилмаган вазиятларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Байрам кунлари йўловчилар оқими кўпайиши сабабли поездлар оралиқ вақтни қисқартирган ҳолда аниқ ва бир маромда ишлайди.

Метрополитен ходимлари доимо тозалик ва тартибни сақлаш, йўловчилар учун қулайлик яратишга ҳаракат қилади. Байрамга тайёргарлик кўриш давомида станциялар жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Метрополитен атрофидаги ҳудудлар ободонлаштирилмоқда ва кўкаламзорлаштирилмоқда.

Тошкент метрополитенида амалга оширилаётган ишлар ушбу тузилмани модернизация қилиш ва янада ривожлантиришга қаратилган. Мухтасар айтганда, пойтахт метрополитени ходимларининг асосий мақсади – йўловчиларни ишончли ва хавфсизликни таъминлаган ҳолда манзилларига етказиш, уларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишдан иборат.

**М.МАМЕТОВА, ЎзА мухбири**







# ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА





*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш борасида қилинган ишлар самараси ўларoқ (4709 та) 510 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Эл саломатлигини асраш йўлида туманда Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти, Республика стоматология маркази, 14 та шифохона ва саккизта оилавий поликлиника фаолият юритмоқда. Халқ таълимини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшаётган 14 та касб-ҳунар коллежлари, учта академик лицей, 36 та мактаб ва 61 та мактабгача тарбия муассасалари билан бирга, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти бутун Марказий Осиёда нуфузли таълим даргоҳларидан ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳримизнинг бошқа туманлари қатори чилонзорликлар ҳам Мустақиллигимизнинг қутлуғ 20 йиллик тўйини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Туманда доимий яшовчи аҳолининг сони 219,3 минг кишини ташкил этади.
- Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 109,6 фоиз (117,3 миллиард сўм)ни ташкил этади.
- Ҳозирда туманда 300 та уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатмоқда.
- Туман ташқи савдо айланмасининг (ўтган йилга нисбатан) ўсиш суръати 607,3 минг АҚШ долларидан иборат бўлди.
- Янгидан ташкил этилган корхоналар сони — 60 та; ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати — 78,9 фоиздир.
- Биринчи ярим йилликда тумандаги тижорат банклари томонидан жами 87 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди.
- Ижтимоий соҳа объектларини жорий йилда жорий ва тўла таъмирлашга 3260,8 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган.
- Туманда 15 та янги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги объектлар ишга туширилди.
- «Чилонзор» буюм бозорининг савдо мажмуасида реконструкция ишлари натижасида 735 та янги турдаги савдо шохобчалари очилди.

**Ҳозирда аёл ҳақида сўз борганда, хотин-қизларнинг давр ва маконда нечоғлик катта куч-қувватга эгалигини ҳеч ким инкор этолмайди. Бугунги кунда аёллар ҳар бир соҳада жамиятнинг ривожига муносиб улушини қўшяпти. Миллатимизнинг орномуси бўлган аёл бир қўлида бешикни, бир қўлида эса дунёни тебратади...**

## ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Бу борада сўз борганда биргина Чилонзор туманида амалга оширилаётган ибратли ишларда хотин-қизларнинг ўрни хусусида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова қуйидаги фикрларни билдирди:

— Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар бир йил ўзгача номланиб, шу соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, она ва бола соғлом авлод, оила, ижтимоий ҳимоя, қўйингки, жорий — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам барча йиллардаги Дастурлар ижросини таъминлашда, аввало аёлларга суянамиз. Туманимиздаги 49 та фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, «Камолот» ЁИҲ, «Оила» марказлари каби кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликда қизғин фаолият юритяпмиз.

«Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб нишонлаш тараддудига ҳам хотин-қизларимиз катта ҳисса қўшишди. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида, Киночилар уйида, маҳаллалар гузарларида, мактабларда турли мавзуларда ўтказилган маданий-маърифий кеча, учрашувларда туманимиз аёллари фаол иштирок этишмоқда.

Ёш авлоднинг жисмонан бақувват, зукко тарзда вояга етиши, турли оқимларга кириб кетмасликлари, Ватанга садоқат руҳида тарбияланишлари учун ҳам аёлнинг оила ва жамиятда тутган мавқеи. ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

**Мустақиллигимиз улуғ неъмат. Яна бир улуғ ҳақиқат ҳам мавжудки, бетакрор, гўзал урф-одатларимиз, удумларимиз, ўзаро инсоний меҳр-оқибатимиз бизнинг маънавий бойлигимиздир. Айни шу қадриятларимиздан ўзимизни айро тасаввур қилиб бўлмайдиган маскан – маҳалладир. Кўп миллатли халқимиз ўзаро аҳил, меҳр-муҳаббатли, олижаноб тушунчалари қаттиқ муҳрланган ҳолда яшовчи ноёб фазилатларни ўзида мужассам этган маҳаллалар Чилонзор туманида 49 тани ташкил этади.**

## ВАТАН ИЧРА ВАТАН — МАҲАЛЛАМ

«Бектўпи» тарихий номи қайта тикланган маҳалла ҳам туманда ўз ўрнига эга. Ҳозирда ушбу гўшада 5425 нафар фуқаро аҳил-иноқ истиқомат қилиб, истиқлолимизнинг муборак тўйини муносиб кутиб олиш тараддудида.

Маҳалла ҳудудида кўп қаватли уйлар, олтита кўчада хусусий хонадонлар жойлашган. Доимо озода-саришта, обод масканда иккита ишлаб чиқариш корхонаси, 38-оилавий поликлиника, 204-мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда олтита уй-жой мулкдорлари ширкатлари, милиция таянч пункти аҳоли хизматида.

– Маҳалламизда қутлуғ айём – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида қатор хайрли ишларни амалга оширяпмиз, – дейди маҳалла оқсоқоли Йўлдошхўжа Абдураҳмонов. – Биринчи навбатда озодаликка эътибор янада кучайтирилди, боиси, ёз жазирамасида бунинг аҳамияти ҳақида ортиқча тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак. Деярли ҳар ҳафта ўтказилаётган ҳашарларда ёшу кекса бирдек ғайрат-шижоат кўрсатиб, маҳалла ободлигини таъминлашга ҳисса қўшяпти. Ширкатларда ҳам иш қизғин. Уларда кузги-қишки мавсумга кўп қаватли уйларни тайёрлаш ишлари маромида бормоқда. Маҳалламизда ёш оналар саломатлигини назоратга олиш, вояга етмаганлар билан мунтазам иш олиб бориш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш масалалари, айниқса муҳим ҳисобланади. Қизиққан уй бекалари момомерос ҳунар — гилам тўқишга ўргатилиб, хотин-қизларнинг касаначилик асосида иш билан таъминланиши кўзда тутилган.

«Бектўпи» маҳалласида аҳолига байрамолди қулайликларини яратиш мақсадида Жиззах вилояти шартнома бўйича келишилган нархда гўшт етказиб берди. Истиқлол байрами арафасида таъмирталаб йўл ва йўлаклар тартибга келтирилди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳомийлар томонидан саховат кўрсатилди. Маҳаллада фаолият юритаётган мебель тайёрлайдиган ва дафтар ишлаб чиқарадиган хусусий корхоналар тадбиркорлари кўплаб ёшларга иш ўринлари яратиш билан бирга, кези келганда маҳалладошларидан ўз мурувватларини аямайдилар...

Эътиборли томони, Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш тараддудида бўлган маҳалла аҳли гузарни буткул таъмирдан чиқаришни мақсад қилган.

**Иқтисодиёт**

## СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

**Корхона нуфузи ҳақида гап борганда, аввало эришилган ижобий натижалар ва сифат кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутади. Йилдан йилга ички бозоримиз сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан тўлдирилмоқда. Импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш учун корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш муҳим ўрин тутади.**

«DEKS» масъулияти чекланган жамиятида ҳам замонавий, хорижий дастгоҳ ва ускуналар маҳсулот турларини кўпайтиришда, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда, муҳими, сифатини таъминлашда асосий мезон ҳисобланади. Сувли эмульсия ва қуруқ қоришмалар тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона ўз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топишга интилаётганлиги боис, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

2003 йилда фаолиятини бошлаган корхонада бугунги кунга келиб, 60 нафар малакали ишчи–хизматлар меҳнат қилмоқда. «Megamix» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ISO 9001:2009 халқаро сифат стандартларига мувофиқлик сертификатларига эгалиги билан ажралиб туради.

Замон билан ҳамнафас корхона муваффақиятларини таъминлашда хориж бозорини чуқур ўрганишнинг ҳам ўз ўрни бор. Изланишлари меваси сифатида ўтган 2010 йилда корхона Халқаро сифат ёрлиғини қўлга киритди. Ўн икки турдаги қоришмалар экспорти йўлга қўйилди. Масалан, ушбу маҳсулотлар Қозоғистон, Туркманистон, Афғонистон ва Россия каби давлатларга экспорт қилиняпти. Ҳозирда 500 минг АҚШ долларилик маҳсулот четга чиқарилаётган бўлса, янги лойиҳалар асосида экспорт ҳажми бир миллион доллардан зиёдни ташкил этиши кўзда тутилган.

Мустақилликнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўраётган корхона истиқбол режасини ҳам аниқ белгилаб олган. Маҳсулот турларини 25–26 хилга етказиш, яъни ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли ошириш ҳисобига 50 та янги иш ўринларини яратишни ўз олдига мақсад қилган.

**Саҳифа материалларини**
**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

## БОЙ ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

**Республикамиздаги тиббиёт ўқув юртлари орасида ушбу коллеж алоҳида ўрин тутади. П. Боровский номи билан аталаётган Тошкент шаҳар тиббиёт коллежи ўз фаолиятини дастлаб шошилинч тиббий ёрдам клиникаси ҳузуридаги акушерлик мактаби, сўнг тиббиёт билим юрти сифатида бошлаган эди. 2001 йилдан бу илм даргоҳи янги мақомда иш фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шу ўн йил давомида коллеж ҳар томонлама ривож топди.**

Бу ерда янги ўқув дастури асосида ҳамширалик иши, даволаш иши, лаборатория иши, фармация йўналишларида тиббиёт ҳамшираси, фельдшер, фармацевт, акушер, фельдшер-лаборант каби мутахассислар етишиб чиқмоқда.

Коллеж жамоаси ичида илмий изланишлар олиб бораётган ўқитувчилар кўп. «Болалар касалликлари» фани бўйича яратилган дидактик мажмуа кўргазмада кумуш медаль билан тақдирланди.

Билим даргоҳи педагогик жамоаси иш тажрибаси оммалаштирилди. Жумладан, «Ҳамширалик иши асослари» фани бўйича тайёрланган алгоритмларга оид тарқатма материаллар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари таълим жараёнига жорий этилди. Қатор касалликлар атласи бўйича яратилган ўқув адабиётлари республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт йўналишидаги билим юртларига тарқатилди. Ўн йиллик санаси муносабати билан кўргазма ташкил этилди. Ундан коллежнинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ўрин олди.

**Акбар АЛИЕВ**

## ПЕДАГОГЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мустақиллик йилларида ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини оширишга қаратилаётган эътибор самаралари, галдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда таълим соҳасининг масъул ходимлари, ўқитувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори А.Пардаев ва бошқалар ёшларни баркамол шахслар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари ва миллий қадриятларимиз асосида таълим-тарбия бериш, ёш авлоднинг ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. «Истеъдод» жамғармаси томонидан мазкур йўналишда жаҳоннинг илғор педагогик, маърифий услуб ва технологияларига таянган ҳолда педагоглар ва илмий ходимлар малакасини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғарма дунёнинг етакчи давлатларидаги олий ўқув муассасалари, илмий марказлар билан ҳамкорликда кўплаб илмий-маърифий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Бу эса таълим масканлари, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашувни мустаҳкамлаш, ўқув даргоҳларини замонавий дарслик ва адабиётлар билан таъминлаш, педагог ва илмий кадрларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилаётган «Устоз-шогирд мактаби» лойиҳаси, малака ошириш институтлари моддий-техник базасининг тобора яхшиланаётгани педагог кадрлар малакасини юксалтиришни замон талабларига мос ташкил этиш имконини бермоқда. Айни пайтда барча умумтаълим фанлари бўйича «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Педагогик технологиялар», «Ахборот-коммуникация технологиялари» каби ўқув курсларининг ўтилаётгани ўқитувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш, дарсларни илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар воситасида ташкил этишда ёрдам бермоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**





**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

*Серқуёш диёримиз Истиқлолининг 20 йиллик тўйи билан барчангизни чин юракдан муборакбод этамиз. Келажаги буюк давлат бўлмиш Ўзбекистонимизнинг янада тараққий этиши йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барчангизнинг хонадонингизга тинчлик, фаровонлик, омад ва бахт ёр бўлишини тилаб*





**«MAXSUS MEBEL»** ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

## «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ»

**ОАСИЧЖ СУПЕРМАРКЕТИ ЖАМОАСИ**

**БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ**



**ҳаммамиз учун Энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш Республикамиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий табриклайди. Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлсин.**

**Пойтахтимиз аҳлини ва меҳмонларини байрамолди савдосига таклиф этамиз.**

**Сиз азизларга юқори даражада маданий хизмат кўрсатишдан доимо мамнунмиз.**





Бизнинг манзил:
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 17-уй.
Мўлжал: А.Навоий номидаги опера ва балет театри
Хизматлар лицензияланган.

*Мустақил Ватанимиз равнақи, фаровон ҳаётимиз, ёрқин истиқболимиз учун яратувчанлик иштиёқида меҳнат қилаётган*

## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни Энг улуғ ва энг қадрли айём —

**Мустақиллигимизнинг**





шодиёналари билан муборакбод этамиз.

*Тўкин ҳаёт, яхши кайфият ва соғлик-саломатлик бир умр ҳамроҳингиз бўлсин.*

*«ШАҲАР ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТРЕСТИ»*

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

***Барчангизни Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик шодиёналари билан чин дилдан муборакбод этамиз!***

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Истиқлолимиз абадий бўлсин!*

*Эркимиз ва фаровонлигимизга кўз тегмасин!*

**«MEDXIMFARM STROY»**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



# «HUMO SPORT SAVDO»

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

*Энг улуғ, энг азиз байрам —*
*серқуёш диёримиз Мустақиллигининг*

**20 йиллик айёми**

*билан чин юракдан қутлайди.*



**Кундан кунга чирой очиб бораётган Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнайверсин ва унинг фаровон эртаси учун камарбаста бўлаётган ҳар бир ватандошимизга сиҳат-саломатлик, хонадонига файзу барака, ўқиш ва ишларида муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.**



# «GOLDEN BEER PREMIUM»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

улуғ айём –
**Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги**
тантаналари билан қутлайди.
Хонадонларимиздаги осойишталик,
юртимиздаги хотиржамлик, ҳаётимиздаги
бахт ҳамиша
йўлларимизни ёритиб,
қалбларимизни қувонга тўлдирсин.

## Истиқлол илҳомлари

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг энг қийин ва машаққатли паллаларидан бирида Тошкентга юзланади. Умид ва ишончини бевосита шу шаҳар ила боғлайди.**



Эндигина ўн саккизга кирганига қарамай, бошидан кўп ранжу маломатларни ўтказган ёш Темурийзода подшоҳлик ҳаётининг бу мушкул онларини «Бобурнома»нинг «Тўққиз юз еттинчи (1501-1502) йил воқиалари» тафсилотида бундоқ тасвирлайди: «Муҳосара имтидоди узоққа тортти. Захира ва озуқ ҳеч тарафдан келмади. Кўмак ва мадад ҳеч жонибдин етишмади. Сипоҳи ва раият навмид бўлуб, бирар, иккирар қўрғондин ташлаб қоча кириштилар... Биз Оббурдан ошиб, хон қошиға Тошкандға мутаважжиҳ бўлдук.

...Бизға қурбон ийди Шоҳруҳияда бўлди. Бетавaққуф ўтуб, хон қошиға Тошкандга бордим. Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталаҳотиға мунча татаббуъ қилмайдур эдим, хон хуштаъб киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлиқ ғазали камроқ эди, бу рубоийни хонға ўткариб, тараддудимни арз қилдим... Рубоий будур:

*Ёд этмас эмиш кишини*
*меҳнатта киши,*
*Шод этмас эмиш кўнгулни*
*ғурбатта киши.*
*Кўнглум бу ғариблиқта*
*шод ўлмади ҳеч,*
*Ғурбатта севунмас эмиш,*
*албатта, киши».*

Кўриниб турибдики, ҳазрати Бобур ноумидликка тушиб, Тошкентга кўмак истаб келган ва ижодининг гултож рубоийларидан бири бўлмиш энг гўзал ва дардли шеърини шу масканда битган. Буюк бобомизни умр бўйи тарк этмаган ёру диёр соғинчи аро, ул зотнинг фироқу изтироблари ичра бу дилкаш маконнинг сарин саболари ҳам доимо ёдига келиб турган бўлса не ажаб? «Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга» дея аламли байтлар битганда ҳазрат бобомиз Тошкентнинг ҳам хуш ҳавосию мўътадил иқлимини эслаган бўлишлари иштибоҳ уйғотмайди.

Бу кўҳна кентнинг номи қадим тарих ва «Шоҳнома»ларда келган. Улуғ алломаларнинг мангу бешиги. Буюк Ипак йўлининг карвонлари доимо интилган, буюк қалбларни ҳар доим ўзига жалб этиб келган жозиб ва муқаддас маъво. Истиқлолимизнинг порлоқ, ярқироқ қўрғони, улуғ орзу-мақсадларимиз, эзгу ниятларимизнинг устувор пойтахти. Шукуҳ ва сурур, фахр ва ғурур шаҳри Тошкент.

...1941 йилларда Тошкент темир йўл вокзалининг биқинида бир кўримсизгина чойхона бўлган. Ҳарбий эшелонда урушга кетаётган йигирма икки яшар отам, поезд тўхтаб турганда тушиб, шу чойхонадан бир бўлак нон олиб чиққан экан.

Орадан ўттиз уч йил ўтиб, 1974 йилнинг 29 август куни ўқишга кирганимдан сўнг, худди шу вокзалдан поездга ўтириб, Сурхондарёга жўнадим. Қайтаётганимда отам: «Болам, шу Тошканд вокзалининг ёнида бир чойхона бўларди, урушга кетаётганда кўрганмиз, шу ҳали ҳам турганмикин?» деб сўраб қолди. Бирпасдан сўнг: «Шунча вақт ўтди-ку, ҳаммаёқ ўзгариб кетгандир» дея саволига ўзи жавоб берди. Эски, дардли-армонли замонларнинг кичкина-кичкина икки лавҳасини эсламоғимизнинг боиси бор, албатта. Биз ўтган тарихнинг — ХХ асрнинг тўққиз йилини, XXI асрнинг ўн бир йилини мутлақо янги замонда, ота-боболаримиз орзу этган ўзгача даврy давронларда яшадик. Мутлақо янги авлод — онги, тафаккури, тарбия ва маърифати туб-тубидан янги, зуваласи тоза насл бунёдга келди. Бу авлод вакилларига бундан етмиш йиллар бурун қандайдир аскар йигитнинг вокзал чойхонасидан бир бўлак нон олганларию Мустақиллик майдонида иқтибос учун қўйилган мазкур майдоннинг ўтган аср 60-70-йиллардаги лавҳалари худди бир чўпчакдай, мисоли бир тушдек таассурот қолдирмоғи табиий. Бизга бошқа бир муқояса умид ва қувонч бахш этади: Бундан ўттиз йиллар кейин ўқишга кириб, Термизга — она уйига борган ўғилдан отасининг сўрайдиган гаплари кўп бўлади: «Мустақиллик майдони зўрми?», «Темур бобонинг ҳайкали қалай?», «Шаҳидлар хиёбонига бордингми?», «Миллий боғ ҳам ўзгариб кетгандир?» сингари ўнлаб саволларига ўғли Тошкентга ўқишга кирган ота бинойидай жавоблар олмоғига бугунги Тошкентимиз кафил.

# «ВАТАН, МЕНИНГ ЯРҚИРАГАН ҚЎРҒОН ЕРИМ»

Биз жонажон пойтахтимиз ҳақидаги мўъжазгина манзумамизда шаҳарга алоқадор тўрт давр ва тўрт авлод вакиллари билан бўлган ҳар хил ҳолатларни мисол келтирдик. Энг шуълавар, ҳаяжонлантиргувчи мисолларни, барибир, шу кунлардан топдик. Ва айни шу лаҳзаларда Навоий бобонинг баланд айвонида «Барча замонлардан шу замон яхши» дея шеър ўқиётган шоир дўстимизнинг сурурига биз ҳам шерик бўлиб турибмиз.

Пойтахтнинг қоқ марказида кундан-кун гуркираб, ярқираб қад ростлаган бетимсол, муҳташам бино қурилиши кўрган кишининг ақлини шошириб қўяди. Билим ва маърифат қўрғони, миллион-миллионлаб китоблар хазинаси бўлмиш ҳазрат Алишер Навоий номидаги Ўзбек Миллий кутубхонасининг янги биноси, унинг маҳобатию салобати ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Юксак ақл-заковат, меъморий ечим ва беҳаловат тафаккурнинг меваси бўлмиш мазкур иморат пойтахтдаги кўплаб истиқлол иншоотлари қаторида том маънода ҳақиқий санъат обидаси бўлаётгани билан алоҳида ажралиб, кўриниб бораётир. Оралари унча узоқ бўлмаган кўркам Анжуманлар саройи билан ушбу кошона ўртасида энди бундан буён кўринмас нурли ришталар тортилмоғи, бу бинолар оралиғида нурлар қатнови бошланмоғи муқаррар. Дилларни ёритиб, кўнгилларни мунаввар айлагувчи нурлар, маърифат ва тарбият зиёлари.

Пойтахт обод бўлиб бормоқда, Ватанимиз йиллар сайин яшнамоқда. Бугунги янгиланаётган, кундан-кун ўзгариб бораётган Тошкентни — Истиқлолнинг 20 йиллиги номли шаҳар ҳам десак асло муболаға бўлмайди. Бунинг учун ҳамма асосларимиз, далил-исботларимиз етарли. Давлатимиз раҳбари «Ободлик кўнгилдан бошланади» деб алоҳида таъкидлар эканлар, авваламбор, манзилу маконлар, шаҳар ва қишлоқларнинг ободлиги, озода-саришталигини ҳам назарда тутганлар. Обод, фаровон уй-жойлар, эъзоз топган манзилу маъволардан диллар яйраб, кўнгиллар яшнамоғи бор гап. Бугунги Тошкент, Истиқлолимизнинг нурли, нурафшон Бош қўрғони бунинг яққол тимсоли бўла олади.

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## Спорт

# НУФУЗЛИ МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

**Жорий йилнинг 19-23 октябрь кунлари Термиз шаҳрида VIII жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий Х Халқаро турнир ўтказилади.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида бу йил ташкил этилган шу ва бошқа нуфузли мусобақалар хусусида сўз борди.

Дарҳақиқат, кураш асрлар давомида ўзбек халқининг энг оммавий ва севимли миллий ўйинлари қаторида эъзозланиб, қадр топиб келмоқда. Аммо қадим даврларда кураш фақатгина анъанавий маросим ва байрамларда миллий ўйин шаклида мавжуд бўлиб, муайян спорт тури сифатида эътироф этилмаган эди.

1991 йилнинг сентябрида Президентимизнинг бевосита қўллаб-қувватлашлари натижасида курашни мамлакатимиз миллий спорт турига айлантириш ва уни халқаро майдонда ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга халқаро спорт талабларига жавоб берадиган курашнинг қонун- қоидалари ишлаб чиқилди. Кураш либоси, вазн тоифалари, мусобақаларни ташкил этиш тизими яратилди. Бугунги кунда эса дунё мамлакатларида бу миллий спорт тури ўзига хос қадриятлари ва ютуқлари билан ажралиб, янада тараққий этиб бормоқда.

– Биргина 2000-2009 йиллар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, – дейди Кураш халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Якубов – Россия, Ўзбекистон, Доминикан Республикаси ва Туркия мамлакатларида ёшлар ўртасида беш марта, фахрийлар ўртасида икки бор жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Шунингдек, Америка, Осиё, Европа, Африка ва Океания қитъавий чемпионатлари ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, Буюк Британия, Греция, Туркия, Эрон, Украина, Франция, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси, Афғонистон, Боливия каби дунёнинг бир нечта мамлакатларида 300 дан зиёд турли даражадаги нуфузли турнирлар ташкил этилдики, бу халқаро майдонда миллий спорт туримиз орқали мустақил Ватанимизнинг улуғланишига, анъаналаримизнинг қадрланишига хизмат қилмоқда. Энг асосийси, адолат тамойилларига асосланган кураш орқали халқлар ўртасида дўстлик, бирдамлик ва тинчлик ғоялари тарғиб қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг август-октябрь ойларида юртимизда ҳамда Франция, Эрон, Украина давлатларида мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишланган бир қатор халқаро мусобақалар ўтказилади.

Жумладан 19-22 август кунлари Украинанинг Боғчасарой шаҳрида «Қора денгиз» кубоги муваффақиятли ташкил этилган бўлса, 6-9 сентябрь кунлари Эроннинг Илам шаҳрида Осиё чемпионати, 8-9 октябрь кунлари Франциянинг Рузй-Мальмезон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун 3-Гран при турнири, 19-23 октябрь кунлари эса Термиз шаҳрида VIII жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий Х халқаро турнир бўлиб ўтади.

– Айни кунларда федерациямиз тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш бўйича зарур ишларни олиб бормоқда, – дейди Ўзбекистон Кураш федерацияси бош котиби Зулхумор Рўзиева.– Бинобарин, полвонлар юрти бўлган Ўзбекистонимиз дунё саҳнасига ўзбек кураши номини киритар экан, унинг ҳар бир қадамида, мамлакатимиз шон- шарафини, улкан ютуқларини кўрамиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ОЗОД, ОБОД, ГУЛ ВАТАН

***Бизлардан ном қолади,***
***ғурур ҳам шон қолади,***
***Озод, обод бир Ватан,***
***боғу бўстон қолади.***

***Гул, райҳон исли диёр,***
***буғдой нон исли диёр,***
***Дунёга бўй таратган***
***гул ва райҳон қолади.***

***Ерга буғдой сочсанг ҳам,***
***белбоғингни ечсанг ҳам,***
***Кафтларингни очсанг ҳам —***
***буғдой ва нон қолади.***

***Қийин кунлар ўтдилар,***
***заҳматларинг битдилар,***
***Боболаринг хокида***
***эзгу армон қолади.***

***Дўстларинг — хуш каломда,***
***душманларинг аламда,***
***Не бўлса ҳам — оламда***
***марду майдон қолади.***

***Ҳар дуо, ҳар зиёрат***
***эртан бўлгай ижобат,***
***Ҳазрат Имом кафолат —***
***ору иймон қолади.***

***Кўкда ой-қуёш бўлса,***
***Ўзи кўзу қош бўлса,***
***Элу юртга Бош бўлса —***
***эл-юрт омон қолади.***

***Тушунтир изларингга —***
***ўғил ҳам қизларингга,***
***Шу қарокўзларингга***
***даврy даврон қолади.***

***Бугунги бу киприклар —***
***келажакка кўприклар,***
***Темурбек, Улуғбеклар —***
***биздан нишон қолади.***

***Тонглар отар жонажон,***
***бор бўлгил сен, онажон,***
***Бошинг узра нурафшон***
***мовий осмон қолади.***

***Бизникидир шул Ватан,***
***сувлари булбул Ватан,***
***Озод, обод, гул Ватан —***
***Ўзбекистон қолади.***

## ЖОНИМ ВАТАН

**(Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий ғазалига мухаммас)**

*Ватан менинг ярқираган қўрғон ерим,*
*Ою офтоб мангу қўрғон қурғон ерим.*
*Эсдан чиқар бошқа ҳамма кўрғон ерим,*
*Ватан менинг туққон ерим, турғон ерим,*
*Униб-ўсиб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.*

*Инсонийлик деган қадим зироатлар,*
*Орият ҳам ориятга риоятлар,*
*Шунда унган, айтсин кўҳна ривоятлар,*
*Етмиш пуштим тиклаб кетган иморатлар,*
*Тарбиятнинг биносини қурғон ерим.*

*Онамсан деб, изларингни кўзга суртсам,*
*Болам десанг, сувларингдай мавжлар урсам,*
*Тоғларингдай баланд-баланд ўйлар сурсам,*
*Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,*
*Мангу ўйнар кўзда жавлон урғон ерим.*

*Жаҳон кезар жамолингга қуёш тўймай,*
*Майсанг бўлиб сенинг учун нечун куймай?*
*Дилимдан ҳам, тилимдан ҳам номинг қўймай,*
*Жоним бирлан, таним бирлан нега суймай,*
*Роҳат яшаб, соғлом яшаб юрғон ерим.*

*Кафтларимни очиб оқшом ҳилолингга,*
*Юзга суртгум камол истаб камолингга,*
*Дахлдорман шамойил ҳам шамолингга,*
*Таъзим айлаб заҳмат чеккан чумолингга,*
*Саждагоҳим, саждага бош урғон ерим.*

*Беҳиштларга эгиз бўлган фаслларинг,*
*Бўй талашиб ўсган янги насlларинг,*
*Бу кунларинг аслдан ҳам аслларинг,*
*Улуғларинг асрларга қасрларинг,*
*Қасрлари асрларни кўрғон ерим.*

*Буғдой бошоғидай унган сўзим Ватан,*
*Кимман ахир сенсиз мен бир ўзим Ватан?*
*Олам аро менинг ёруғ юзим Ватан,*
*Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,*
*Даврон кўриб, даврy даврон сурғон ерим.*

## ЎРГАНИШ

Мен Ватанни ўрганмадим заридан,
Ўрганмадим уни ҳур ё паридан.
Кафтларининг чизиқлари – хати ҳам
Ажинлари бўлди менинг харитам.
Шу хатларда кўргандим илк Ватанни,
Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни.

Меҳрлари қошу кўзлар бўлдилар,
Ою қуёш мисол юзлар бўлдилар.
Жисмим аро улғайдилар, тўлдилар,
Ватан янглиғ улуғ сўзлар бўлдилар.
Қошларининг остларида тургандим,
Мен Ватанни шу кўзлардан ўргандим.

Нокаслардан ўрганмадим мен уни,
Ёт каслардан ўрганмадим мен уни.
Ном, қарзлардан ўрганмадим мен уни,
Жон хаслардан ўрганмадим мен уни.
Ўзим кийик сўқмоқларда юргандим,
Мен Ватанни сўқмоқлардан ўргандим.

Осмонлари бошим узра огоҳлар,
Гиёҳидан дилга олдим гиёҳлар,
Райҳонларин сиёҳидан сиёҳлар.
Булоқлардан кўзлар олдим, нигоҳлар,
Ўзим ҳам бир чечакларга бурқандим,
Мен Ватанни гиёҳлардан ўргандим.

Менга азал азиз бўлган баридан,
Бешигимдан талпинган пайтларимдан,
Умр кўрган ҳар кексаю қаридан,
Меҳнатларин ёдлаб ўсдим бағридан.
Пайкалларин кокиллардай ўргандим,
Мен Ватанни эгатлардан ўргандим.

Ушоқ нонинг қадри минг элга маълум,
Дарс олдим мен сувлар ичган маҳалим.
Булбулларинг тилларида шу таълим,
Ўзинг устоз, ўзинг мангу муаллим,
Ҳикматлардан қургандим мен Ватанни,
Заҳматлардан ўргандим мен Ватанни.

## НАВОИЙНИНГ БОҒЛАРИ

***Адабиёт муаллими***
***Бизлар бола чоғлари,***
***Дарс берарди Ҳиротта, деб***
***Навоийнинг боғлари.***
***Сиз ҳам асли кўчатлари,***
***Барглари, япроқлари –***
***Навоийнинг боғларисиз,***
***Навоийнинг боғлари.***

***Йиллар ўтди. Болалик ҳам***
***Ортда қолди бир умр.***
***Навоийнинг боғлари лек***
***Ёдда қолди бир умр.***
***Биз англадик – надир Ватан,***
***Томирлари, шохлари.***
***Эътиқод ҳам иймон экан***
***Навоийнинг боғлари.***

***Аввал фарзанд бўлар одам,***
***Кейин инсон бўлгайдир.***
***Ўз тупроғин қадрин билган***
***Диллар осмон бўлгайдир.***
***Кўнгилларнинг Ҳақ йўлида***
***Заҳмату қийноқлари–***
***Навоийнинг боғларидир,***
***Навоийнинг боғлари.***

***Сув келтирган элда азиз,***
***Боғ яратган – бахтиёр.***
***Инсон умри кўприклардир,***
***Йиллар, йўллардир қатор.***
***Бу томони – Ҳиротгача,***
***Қашқардир нарёғлари,***
***Навоийнинг боғларидир,***
***Навоийнинг боғлари.***

***Маърифатдир оламшумул,***
***Муҳаббатдир жаҳоний.***
***«Насойим ул-муҳаббат» ҳам***
***«Хазойин ул-маоний».***
***Осмонлари руҳдан бино,***
***Қалб эрур тупроқлари,***
***Навоийнинг боғларидир,***
***Навоийнинг боғлари.***

***Сен кўнгилни тоза тутгил,***
***Юртни ҳам озода тут.***
***Юрт дегани боғ экандир,***
***Боғ дегани — она юрт.***
***Тўлиб тошар экан токи***
***Эзгулик қирғоқлари,***
***Яшар абад, яшнар абад***
***Навоийнинг боғлари.***

* * *

Оламда сарбонсиз карвон бўлмагай,
Офтобсиз оламу осмон бўлмагай.

Оламда элатлар бисёрдир, элим,
Сен каби соҳиби даврон бўлмагай.

Дунёнинг камтару компронлари кўп,
Сенингдек камтару компрон бўлмагай.

Ўтмиш жаҳонгирлар, хонлар, хоқонлар,
Темур бобо янглиғ султон бўлмагай.

Барча бир армон-ла кетмишлар, аммо
Бобур армонидай армон бўлмагай.

Оқсарой мисоли оламда қўрғон,
Нақшбанд бободай айвон бўлмагай.

Эй дилбар диёрим, дилбар дилдорим,
Сенингдек кўзлари жайрон бўлмагай.

Қаламни замонга чархлагил, Сирож,
Сенинг замонингдай замон бўлмагай.


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекэнерго Давлат акциядорлик компанияси “Энергосотиш” филиалининг 16.08.2011 йилдаги 51-01/0381-сонли хатига асосан, филиалга тегишли Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр берк кўчаси, 4-уй манзилида сақланаётган “Тико” русумли, 1998 йил и/ч, д/р 10АН611 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 746 498 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 26 сентябрь куни соат 12:00да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 26 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 29 ва 3 октябрь кунлари соат 12:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **27 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда, айрим жойларда секундига 15-20 метр тезликда кучайган ҳолда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-18, кундузи — 25-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **27 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*







Қарор ва ижро

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ» — ФАРОВОНЛИГИМИЗ МАНБАИ

**Бугунги ҳаётимизни табиий газ таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Зангори олов» тафти хонадонларимизга илиқлик, турмушимизга файз-барака бағишламоқда. Айтиш керакки, газ нафақат аҳоли учун қулайликлар яратишда, балки саноат, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, хусусий тадбиркорларнинг эҳтиёжларини таъминлаган ҳолда, кўплаб соҳаларнинг изчил ривожланишида беқиёс аҳамият касб этади. Шу боис ҳам ушбу бебаҳо неъматдан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.**

Дарҳақиқат, хонадонлар, корхона ва ташкилотлар, таълим-тарбия муассасалари, маданият, санъат даргоҳларига табиий газнинг узлуксиз ҳамда хавфсиз етказиб берилиши тизимдаги таъминотчи корхоналар зиммасига катта масъулият юклайди. Бинобарин, газ тармоқларини янгилаш, таъмирлаш, уларнинг босимга бардошлилигини назорат қилиш ўта муҳим ва мураккаб жараён ҳисобланади. Таассуфки, истеъмолчилар томонидан сарф этилган табиий газ ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги, «зангори олов»дан тўғри фойдаланиш тартиб-қоидаларига амал қилинмаслиги, кўп ҳолларда исрофгарчиликка йўл қўйиш, тармоққа ноқонуний уланиш сингари қатор салбий ҳолатлар тегишли муаммоларни юзага келтирмоқда.

Жамоамиз аҳли долзарб бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги «Табиий газ ва электр энергияси учун истеъмолчиларнинг дебиторлик қарзларини хатловдан ўтказиш бўйича» фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан режали ишларни амалга оширмоқда, — дейди «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси директор ўринбосари Баҳодир Ваҳобов. Фармойишга асосан жорий йилнинг 1 июлидан 1 октябрига қадар табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилиши лозим. Унитар корхона таркибида ҳозирда 29 та филиал иш юритмоқда. Филиалларда ишчи гуруҳлари қизғин фаолият юритмоқда.

Қайд қилинган фармойишга кўра «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси томонидан оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали қарздорликни хатловдан ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида истеъмолчиларга маълумотлар берилмоқда. Жумладан, табиий газдан фойдаланиш бўйича катта миқдорда қарздорликка эга, қонунчиликка зид равишда газдан фойдаланган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни ёритиш бўйича ҳам керакли чора- тадбирлар қўлланди.

Шунингдек, қарздорликни хатловдан ўтказиш натижалари асосида «зангори олов» истеъмолчилари қарздорлигини қисқартириш билан бирга, келгусида бундай ҳолатнинг юзага келмаслигини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар республика комиссиясига киритиш учун тайёрлаб қўйилди.

— Фармойишда тегишли вазирлик ва идоралар тузилмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарздорликни хатловдан ўтказиш бўйича ишни сифатли таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бежиз кўзда тутилмаган, — дейди унитар корхонанинг газ сотиш ва уни ҳисобга олиш хизмати бошлиғи Мирсалим Исмоилов. — Шуни айтиш жоизки, коммунал хўжалиги хизмат кўрсатиш соҳасида энг мураккаб ҳисобланади. Унинг барқарорлиги ва сифат кўрсаткичлари кўплаб омилларга, шу жумладан, хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро самарали ҳаракатига боғлиқ. Шу боис, аҳолининг кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб тизимида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан билдирилган таклифларидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг биринчи февралидан эътиборан коммунал соҳасининг барча тузилмаларида фаолият юритаётган ходимлар, хусусан, манзиллар бўйича тўлов тушумларини назорат қилувчилар учун ягона намунадаги махсус кийимлар жорий қилинди.Бу эса икки томоннинг ҳам муносабатларини мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда...

Корхонанинг саъй-ҳаракатлари билан юқоридаги фармойишга кўра аҳоли яшаш жойлари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда истеъмолчилар билан учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди, уларда 33 мингдан зиёд фуқаро қатнашди. Табиий газдан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш, газ асбобларини ишлатишда қоидаларга қатъий амал қилиш бўйича 2800 та плакатлар тайёрланиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган корхона, ташкилот, муассасаларга тарқатилди.

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳам кўнгилдагидек бажариляпти. Ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ўтказиш, техник ходимларни ўқитиш, хоналарни талаблар даражасида жиҳозлаш, ўқув машғулотлари учун унитар корхона 45,6 миллион сўм маблағ сарфлади.

Табиийки, бу хайрли ишлар рўёби аҳолини табиий газ билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва яхшилаш, ҳаётимиз учун ниҳоятда зарур бўлган «зангори олов»ни тежаш имконини беради. Ўз навбатида истеъмолчи фойдаланилган табиий газ ҳисоб-китобини вақтида амалга оширса, сифатли хизмат ва узлуксиз таъминот таъминланади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» — ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

**Давлат назорат органларида жорий қилинган «Ишонч телефони» фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.**

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари «Ишонч телефони»га жорий йилнинг 1 август ҳолатига 485 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 469 таси бўйича ўрганиш ва текширишлар амалга оширилди. Улардан 236 таси ўз тасдиғини топди, қолган 16 та мурожаат эса кўриб чиқилмоқда.

Фуқароларнинг «Ишонч телефони»га қилган мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида кўриб чиқилади. Қонуннинг 6-моддасига биноан мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд у ҳақида сохта маълумотлар берилган ҳолда мурожаат кўриб чиқилмайди.

Республикамиз Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларига асосан давлат солиқ хизмати органларида ўрнатилган «Ишонч телефони» фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Унда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо ва назорат-касса машиналаридан ҳамда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари бўйича келиб тушган мурожаатлар зудлик билан кўриб чиқилиши ва белгиланган тартибда тегишли тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилган.

«Ишонч телефони»га қилинаётган мурожаатларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш орқали фуқароларимизни бугунги кунда кўпроқ нималар безовта қилаётгани, улар солиқ идоралари билан ўзларининг қайси масалалар бўйича фикр алмашиш ниятида эканликларини билиб олса бўлади.

Мурожаатларнинг 55,4 фоизи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо терминалларининг ишламаётгани ёки шу билан боғлиқ муаммолар ҳақида бўлмоқда. Масалан, фуқаролардан бири «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, Чилонзор туманидаги «Қатортол савдо мажмуаси»даги бир нечта дўконларда терминаллар «ишламаётгани» сабаб қилиниб, тўловлар пластик карточкалар орқали қабул қилинмаётганлиги тўғрисида хабар берди. Мурожаат бўйича мазкур дўконларда ўтказилган қисқа муддатли текшириш натижасида маълум қилинган қоидабузарлик ўз тасдиғини топди ва қоидабузарларга нисбатан солиқ қонунчилигида белгиланган тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, мурожаатларнинг 8,4 фоизи фуқаролар томонидан тегишли ҳужжатларсиз маҳсулотлар сотиш, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шикоятларга тўғри келиб, ушбу ҳолатларнинг ижроси бўйича «тадбиркорлар»дан ашёвий далил сифатида 9,8 миллион сўмлик ноқонуний маҳсулотлар олиб қўйилди. Масалан, жорий йилнинг 12 июлида шаҳримиз фуқароси «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, Яккасарой тумани «Аския» деҳқон бозори ҳудудидаги 8-йўлакнинг ертўласида «уддабурон тадбиркор» томонидан тегишли ҳужжатларсиз уяли алоқаларни таъмирлаш устахонаси фаолияти йўлга қўйилганлиги тўғрисида хабар берди. Бу шикоят ўрганиб чиқилганда ўз тасдиғини топди ва ноқонуний фаолиятга чек қўйилди, уни юритган фуқарога нисбатан тегишли чора кўрилди.

Қайд этиш лозимки, назорат – касса машинасидан чек бермаслик ҳолатлари бўйича мурожаатлар 27,1 фоизни ташкил этди ва ушбу ҳолатлар юзасидан ҳам қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар белгиланди.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг моҳияти фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ошишида намоён бўлиши шубҳасиз. Шу маънода кўриниб турибдики, фуқароларимиз «Ишонч телефони»га мурожаат этиш орқали нафақат ўз манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар, балки мамлакат аҳамиятига эга бўлган ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий масалаларни ҳал этишда ўз бурчларини бажараётирлар.

Фурсатдан фойдаланиб, шаҳримиз давлат солиқ хизмати органларининг «Ишонч телефонлари»ни эслатиб ўтмоқчимиз:

***Учтепа туман Давлат солиқ инспекцияси – 274-62-84***

***Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси – 295-17-06***

***М. Улуғбек туман Давлат солиқ инспекцияси – 262-33-05***

***Миробод туман Давлат солиқ инспекцияси – 254-27-83***

***Олмазор туман Давлат солиқ инспекцияси – 228-05-16***

***Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси – 258-27-02***

***Чилонзор туман Давлат солиқ инспекцияси – 276-98-37***

***Ҳамза туман Давлат солиқ инспекцияси – 233-09-53***

***Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекцияси – 241-55-01***

***Юнусобод туман Давлат солиқ инспекцияси – 235-89-86***

***Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси – 250-54-76***

***Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси – 244-54-86, 244-60-26***

**Мухторжон ИЛҲОМЖОНОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси навбатчи қисм бошлиғи**

O'ZSANOATQURILISHBANK



*Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан чин дилдан қутлайди!*

ХАЛҚИМИЗГА БАЙРАМ АРАФАСИДА ЯНГИ ОМОНАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

| Т/р | Омонат (депозит) номи | Муддати | Шартлари |
|---|---|---|---|
| Миллий валютадаги омонатлар | | | |
| 1 | "Мустақилликнинг 20 йиллиги" | 45 кун | Фоиз даромади 45 кундан сўнг тўланади |
| 2 | "Баркамол-1" | 3 ой | Фоиз даромади ҳар ой тўланади |
| 3 | "Юксалиш" | 30 ой | Фоиз даромади ҳар ой тўланади |
| 4 | "Ҳамкорлик" | 1 йил | Фоиз даромади ҳар ой тўланади |
| 5 | "Лидер" | 6 ой | Фоиз даромади ҳар ой тўланади |
| Хорижий валютадаги омонат | | | |
| 1 | "Манфаат-2" | 7 ой | Фоиз даромади МБ курси бўйича тўланади |

www.uzpsb.uz

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
2966 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 841

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 16.45 1 2 3 4 5